

## “ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК” ТЎГАРАГИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

**Тагаев Хўжамберди** - катта ўқитувчи, **Исмоилов Туйчи Джабборович** - п.ф.н, катта ўқитувчи, **Оришев Жамшид Баҳодирович** - ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти, Ўзбекистон

**Аннотация:** Мақолада “Техник иждокорлик” тўғарагини ташкил қилишнинг ташкилий ва педагогик асослари технологик таълим йўналиши мисолида баён қилинади.

**Калит сўзлар:** Технологик таълим, Техник иждокорлик, тўғарак, микротаълим, модулли технология, муаммоли таълим.

\*\*\*

**Аннотация:** В статье излагается организационно педагогические основы технического творчества студентов на примере технологического обучения.

**Ключевые слова:** Технологическое образование, Техническое творчество, кружок, микрообразование, модульная технология, проблемное обучение.

\*\*\*

**Annotation:** The article outlines the organizational pedagogical foundations of technical creativity of students on the example of technological learning.

**Keywords:** Technological education, Technical creativity, circle, microeducation, modular technology, troubled education

Ижтимоий ҳаётда баркамол иждокор инсон омилнинг роли ва аҳамияти ортиб бораётган ҳозирги даврда талабаларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун уларнинг илмий дунёқараши кенг ривожланиши ва иждокорлик кўникмаларига эга бўлиши талаб этилади. Чунки, бўлажак мутахассислар эртанги кунда мамлакатимизнинг равнақини белгиловчи бош омил сифатида тегишли фан сирларини чуқур ўрганган, мутахассислигига оид у ёки бу фаннинг нозик қирраларини онгли равишда ўзлаштирган, ҳақиқий ўзи

танлаган касбнинг ижодкорига ва тадқиқотчисига хос бўлган кўникма (уқув)ларини эгаллагандагина юқоридаги талабга жавоб бера оладилар.

“Технологик таълим” йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўз соҳалари бўйича малакали мутахассислар бўлиб етишишларида уларнинг ижодкор изланувчанлик қобилиятларини ривожлантиришнинг кўплаб самарали кўриниш, йўналиш ва услубларидан фойдаланиш мумкин. Шулардан бири, агар таъбир жоиз бўлса, уларнинг дебочаси, бу фан тўғаракларидир. Шу маънода, фан тўғараклари ишларини тўғри ташкил қилиш ва унинг фаолиятини илмий асосда бошқаришга алоҳида эътиборни қаратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Қўйилган масалага мос ҳолда 2020-2021 ўқув йилида “Технологик таълим” кафедраси қошида ташкил этилган фан тўғаракларига янада жиддий эътибор қаратилди.

Хукмингизга ҳавола этилаётган ушбу ишда “Техник ижодкорлик ва дизайн” фанидан узоқ йиллик тажрибаларимиз асосида фан тўғарагини ташкиллаштиришга оид айрим мулохазаларимиз ва жорий ўқув йилида бажарилган ишларимиз намуналари баён қилинмоқда.

Сўз юритилаётган фан тўғарагини ташкиллаштиришда асосий эътибор унинг мазмунини таҳлил қилишга қаратилди. Хусусан бу фанда маъруза 72 соат, амалий машғулот 64 соат, лаборатория ишлари 30 соат ҳамда курс иши ва мустақил ишлар учун 136 соат вақт ажратилганлиги эътиборга олинди.

Иккинчи жиҳати шундаки, “Техник ижодкорлик ва дизайн” курси умумий техника фанлари мажмуасига киради ва талабаларнинг умумтехникавий билимларига яқун ясайди ҳамда умумкасбий фанларини ўрганиш учун асосий база (“кўприк”) вазифасини ўтайди.

Ушбу курс (фан) нинг мазмуни талабаларнинг Физика, Математика, Техник механика, Чизмачилик ва муҳандислик графикаси, Стандартлаш, сертификация ва метрология, Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси ва бошқа фанлардан олган билимларини ўзида мужассамлайди. Шу сабабли тўғарак ишида қўйиладиган муаммолар ҳам кенг қамровли ва

чуқур билим ҳамда кўникмалар талаб қилиши билан ҳам талабадан, ҳам тўғарак раҳбаридан жиддий масъулият талаб қилади. Бу эса ўз навбатида таълимнинг фаол услубларидан тўғарак фаолиятида оқилона фойдаланишни тақоза этади.

Шундан келиб чиқиб, биз “Техник ижодкорлик” фан тўғарагида кўпроқ қуйидаги таълим услубларни қўллашни мувофиқ ҳисоблаймиз:

**-микротаълим** - ўқув материалнинг бўлимларини кичик қисмларига бўлиб таҳлил қилиш ва кўп қиррали ишлаб чиқариш ёки ўқув жараёнига кетма-кетликда тадбиқ этиш;

**-таълимнинг модулли технологияси** - билимларни дидактик бирликка қўшиш, кўпайтириш, мувофиқлаштириш ва ҳақоза;

-мавзулар мазмунига мувофиқ **билимларни мажмуалаш** – ахборотли, муаммоли, амалий, мустаҳкамлаш ва ҳақоза;

**-муаммоли таълим** - етишмайдиган билимлар ҳажмини аниқлаш муаммолар таҳлили фанлараро алоқадорликни мустаҳкамлаш, мустақил ҳал этишга тайёрлаш.

**-таълим (билим)да илгарилаб кетиш.**

**-ўқув предмети юкламасини орттириш.**

**-тўғарак аъзолари ва раҳбари фаолиятини илмий ташкил этиш.**

Айтилганлар асосида тўғарак бўйича бажариладиган ишларнинг режасини тузишда турдош олий ўқув юртларининг шу фаолиятга тааллуқли тажрибалари таҳлил қилинди ва баъзи ортиқча қоғозбозликларни талаб қилувчи ҳар хил шакл, қайднома, тавсиянома, шаҳодатланиш каби кўплаб беҳуда вақтни оладиган расмийчилик воситаларидан иложи борича четлаб ўтишга ҳаракат қилинди. Асосий эътиборни эса энг кам ҳужжат ва вақт талаб қилган ҳолда энг юқори иш фаолиятини вужудга келтирадиган мезонни ҳисобга олишга қаратилди [1].

Шунга кўра “Техник ижодкорлик” фан тўғараги иши мазмунини: ўқув материаллари доирасидаги баъзи баҳсли мавзулар бўйича назарий тадқиқотлар олиб бориш; амалий ёки лаборатория ишларининг педагогик самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи услубий тавсиялар ишлаб чиқиш; тегишли

конструкцияларни лойиҳалаш ҳамда уларнинг тажриба намунасини тайёрлаб, бевосита ўқув жараёнига тадбиқ этишга мўлжаллаб шакллантирилди [2].

Юқоридаги келтирилган мезонга асосан ушбу ишлар мазмунини бор–йўғи асосий иккита ҳужжатда акс эттириш мўлжалланди. Улар тўғаракнинг берилган ўқув йили учун лойиҳавий иш режаси ҳамда ҳар бир талабанинг берилган мавзу бўйича олиб борадиган шахсий иш режаларидан иборат қилиб белгиланди. Қуйида уларнинг намунавий матни келтирилган (1 ва 2-жадваллар).

**1-жадвал. “Технологик таълим ” кафедраси қошидаги “Техник  
ижодкорлик” фан тўғарагининг лойиҳавий  
ИШ РЕЖАСИ**

№	Бажариладиган ишлар мазмуни	Бажариш муддати
1	Талабаларни тўғарак фаолиятида бажариладиган ишлар моҳияти ва мазмуни билан таништириш	Дастлабки маъруза ва амалий дарсларда
2	Тўғаракка аъзо бўладиган талабаларни танлаб олиш ва мавзулар билан таништириш, машғулотлар кунини белгилаш	Сентябрь, октябрь
3	Танлаб олган мавзулар бўйича тўғарак аъзолари билан суҳбат ўтказиш ва шахсий иш режаларини тузишда кўмаклашиш	2-машғулотда
4	Мавзуга оид назарий ва амалий ижодкорлик масалаларини ечишнинг тамойиллари ҳамда услублари билан тўғарак аъзоларини таништириш	3-машғулотда
5	Бевосита танлаган мавзуга оид ҳар бир тўғарак аъзосининг шахсий иш режасини таҳлил қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориш ҳамда зарурий услубий кўрсатмалар бериб бориш	Навбатдаги машғулотларда
6	Яқунланган тўғарак ишларинининг ижобий натижаларини жамоатчилик ҳамда ўқув ёки ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш (мақола, ихтиро, қўлланма, тавсиянома, кўрик-танловларда иштирок этиш)	Ўқув йили давомида

Ҳар бир тўғарак машғулотини учун 3 соатгача вақт ажратилади. Унда тўғарак аъзоларининг бажарган ишлари таҳлил қилиниб, зарурий танбеҳ ҳамда рағбатлантириш, нуқсонларни бартараф қилиш ишлари амалга оширилади ва қайдномада кўрсатилиб борилади.

Тўғарак машғулотлари “Техник ижодкорлик ва дизайн” фани ўтиладиган кабинетда олиб борилади ва икки ҳафтада бир марта жума куни дарсдан ташқари вақт (соат 14 -00) да ўтказилади.

“Технологик таълим” кафедраси

мудири:

п.ф.н. Исмоилов Т.Ж.

Тўғарак раҳбари, катта ўқитувчи:

Х.Тоғаев

Мазкур режа асосида тўғарак аъзоларининг давомати ва бошқа қайднома тадбирларини акс эттирувчи махсус журнал юритилади. Бу ҳужжатлар барчага маълумлигини ҳисобга олиб уларнинг намунасини келтиришни шарт эмас деб ҳисобладик.

Тўғарак аъзосининг танлаган мавзу бўйича шахсий иш режасини қуйидаги шакл ва мазмунда бўлишини мақсадга мувофиқ дейиш мумкин (битта тўғарак аъзоси мавзуси мисолида намуна сифатида ҳавола этилади).

**2-жадвал. Физика ва технологик таълим факультети 4-курс 410-17 гуруҳи талабаси Норбоев Бекжоннинг “Техник ижодкорлик” фан тўғарагидаги тадқиқот иши режаси**

Иш мавзуси: Цилиндрик винтсимон пружиналарни ҳисолаш методикасини таҳлил қилиш ва унинг параметрларини аниқлаш ўқув-лаборатория қурилмасини тайёрлаш.

№	Бажариладиган ишлар мазмуни	Бажариш муддати	Кутиладиган натижа
1	Цилиндрик винтсимон пружиналарнинг ички кучлар тўғрисидаги мувозанатини таҳлил қилиш	2020 йил ноябрь	Пружинанинг кучланишлар таъсиридаги эпьюралари қурилади
2	Цилиндрик винтсимон пружиналарни мустаҳкамликка ҳисоблашни таҳлил қилиш	2020 йил Декабрь	Уринма кучланиш формуласи таҳлил қилинади
3	Пружинага таъсир этувчи статик кучнинг бажарган иши орқали пружинанинг бикрлигини аниқлаш таҳлили	2021 йил январь	Сўз юритилаётган пружинанинг куч таъсиридаги бикрлиги аниқланади
4	Чўзувчи куч таъсиридаги пружинанинг асосий параметрларини амалда аниқлаш ўқув-лаборатория қурилмаси конструкциясини лойиҳалаш	2020 йил февраль	Пружинани чўзилишига синаш қурилмасини конструкцияси қурилади
5	Қурилманинг тажриба намунасини тайёрлаш	2020 йил Март	Лойиҳа асосида қурилма тайёрланади
6	Қурилмадан фойдаланишни тажрибада синаб кўриш, нуксонларни бартараф этиш.	2020 йил Апрель	Қурилмани амалда синаб кўрилади ва ишончилиги таъминланади

7	Курилманинг эстетик ташқи жиҳозлаш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш	2020 йил Май	Курилманинг ташқи техник эстетикаси яхшиланади. Пардозланади
8	Бажарилган ишларни мақола сифатида тадбиқ этиш	2020 йил Июнь	Бажарилган ишларни мақола сифатида расмийлаштирилади ва курилмага фойдали модель ихтироси учун талабнома ёзилади

Бажарувчи талаба:

Б.Норбоев

Тўғарак раҳбари, катта ўқитувчи:

Х.Тоғаев

Хулоса шуки, юқоридаги режа асосида фан тўғаракларини ташкил этиш ва олиб бориш талабаларда аниқ ишланмалар тайёрлаш ва лойихалар ечимини топиш кўникмаларига эга бўлади. Бу эса бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ижодкорлик қобилиятларини янада ривожлантиришга олиб келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Тоғаев Х., Юсупов К, Алибоев Т. Фан тўғараклари ишини ташкил қилиш. Интернаука. Научный журнал. Москва.2019. №20 (102).Часть 3. С.64-65
- 2.Тоғаев Х., Исмоилов Т., Каримов О. Ижодкорлик масалалари ечимининг фалсафий–педагогик асослари. Тафаккур зиёси. Илмий-услубий журнал. Жиззах. 2020. №1. Б.88-90
- 3.Исмоилов Т.Ж. Олий ўқув юртларида педагогик таълим технологияларини модернизациялаш муаммолари // “Иқтисодиёт тармоқлари ривожланишини таъминловчи фан, таълим ҳамда модернизациялашган энергия ва ресурс тежамкор технологиялар, техника воситалари: муаммолар, ечимлар, истиқболлар” мавзусидаги Республика илмий-техник анжуман материаллари. Жиззах. 1-қисм. 2016 й. Б.103-106